


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 8 сентябрь, № 186 (7144) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## Сайлов кодекси лойиҳаси бўйича таклиф ва тавсиялар берилди

*Олий Мажлис Сенатида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИҲБ) сайлов департаменти раҳбари ўринбосари Р. Лаппин бошчилигидаги ЕХҲТ ДИИҲБ ва Венеция комиссияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.*

Унда юртимизда айни пайтда кенг муҳокама қилинаётган Сайлов кодекси лойиҳасини такомиллаштириш учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

Маълумки, ушбу ҳужжат тегишли хулосалар олиш учун халқаро ташкилотларга, шу жумладан, ЕХҲТ ДИИҲБ ва Венеция комиссиясига юборилган эди. ЕХҲТ ДИИҲБ ва Венеция комиссияси раҳбариятининг ахборотига кўра, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси бўйича қўшма хулосаси Венеция комиссияси томонидан жорий йил 18 — 20 октябрь кунлари Венеция шаҳрида бўлиб ўтадиган 116-ялпи мажлисида қабул қилинади.

ЕХҲТ ДИИҲБ ва Венеция комиссияси сайловларни кузатиш ҳамда сайлов амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш соҳасида нуфузли халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Улар томонидан сайлов, референдумлар ва сиёсий партияларга доир масалалар юзасидан 130 дан ортиқ хулосалар тайёрланган ҳамда 60 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинган.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

Фуқаролик жамияти

## ННТ ривожига нималар тўсқинлик қиляпти?

*Нодавлат нотижорат ташкилотлари, умуман, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда салмоқли ишлар қилинди. Шунга қарамай, давлат ва жамият, халқимиз ўртасидаги энг ишончли ҳамда мустаҳкам кўприкка, ўзига хос мулоқот майдонига айланиши лозим бўлган "учинчи сектор" фаолияти негадир кутилганидек эмас.*

Бугун мамлакатимизда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтлари сони (2018 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра) 9 минг 478 тани ташкил этади.

Республика даражасидаги оммавий жамоат бирлашмалари — сиёсий партиялар, Хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, Ёшлар иттифоқи ва шунга ўхшаш нодавлат ташкилотларнинг катта бўлмаган гуруҳидан ташқари, ННТ аҳолининг юқори жамоатчилик ва фуқаролик иштирокини қай даражада таъминлаяпти? Етарли қонунчилик базаси яратилган бўлса-да, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана оляптими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг биринчи мажлисида айнан шу саволларга жавоб изланди. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини қандай тараққий эттириш керак, бунга тўсиқ бўлаётган муаммолар нималардан иборат экани атрофлича муҳокама қилинди. Фуқаролик жамияти институтлари ривожининг реал ҳолати, уларнинг кундалик ҳаётида юзага келаётган муаммолар кўриб чиқилди.

— 2018 йилнинг 4 май куни Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятининг ривожланишида тарихий сана бўлди, — дейди Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раҳбари Акмал Саидов. — Шу куни Президентимизнинг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

➡ 2

# "Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак"




**Юртимизнинг гўзал ва мафтункор гўшаларидан бири — Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани давом этмоқда.**

*7 сентябрь.*

***Мазкур нуфузли тадбир доирасида "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.***

*Унда Халқаро мақом санъати анжумани кўтаринки руҳда бошлангани, кўлами, миқёси, мавзулари қамрови билан ажралиб туриши, одамларни эзгуликка чорлашга хизмат қилиши таъкидланди. Шарқ халқларининг бетакрор миллий мумтоз мусиқаси бўлган мақомларни ўрганиш, азалий анъаналарни тиклаш, замон руҳи билан суғорилган ижроларни шакллантириш ва жаҳон узра кенг тарғиб этиш мазкур санъат форумининг асосий мақсадидир.*

➡ 4

*Шаҳрисабзда бўлиб ўтаётган Халқаро мақом санъати анжуманини ёритиш учун дунёнинг кўплаб нуфузли оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета ва журналлар, телеканаллар, интернет сайтлари юртимизга ўз мухбирларини юборди. Айни пайтда улар бирибиридан қизиқарли мақолалар, лавҳалар тайёрлаб, омма эътиборига ҳавола этмоқда.*

ДУНЁ НИГОҲИ

## Қадим наволарнинг жаҳон миқёсидаги акс садоси

Хусусан, **Озарбайжоннинг "Caspian Broadcasting Company"** телерадиокомпанияси репортажида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мақом санъатини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилингани қайд этилади. Давлат раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани айтилади.

Мақом санъати, озарбайжонлик журналистларнинг таъкидлашича, халқ руҳини, унинг ўй-хаёллари ва орзу-истакларини куй ҳамда қўшиқ орқали ифодалайди. Шу сабабли ҳам мазкур йўналишдаги ашулаларни тинглаганда, инсон чуқур руҳий кечинмалар таъсирида қолади.

**Афғонистоннинг "Arezo" телерадиокомпанияси** Шаҳрисабз шаҳрида анжуманга тайёргарлик жараёнидан қатор репортажлар тақдим этяпти. Жумладан, санъат байрами муносабати билан кўҳна кент ўзгача қиёфа касб этиб, буюк Амир Темур қурдирган Оқсарой мажмуаси дунёнинг турли давлатлари ва республиканинг барча вилоятларидан ташриф буюрган ижодкорларни жамлаган майдонга айланди. Бу ерда олиб борилган ободонлаштириш ва тайёргарлик ишларининг натижаси ўлароқ, қисқа муддатда шундай катта миқёсдаги тадбирни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди.

"Мақом анжумани шунчаки расмий тадбир эмас, балки сайил тарзида, маданият байрами сифатида ўтказилмоқда. Шаҳрисабзга дунёнинг турли чеккаларидан мусиқа ва санъат намояндалари, мумтоз куй ихлосмандлари оқиб келаётир. Бу ерда 1800 ўринли амфитеатр, конференция заллари, миллий мусиқа асбоблари хоналари, театр студияси, кичик кинотеатр ва бошқа объектлар ҳам бунёд этилган" дейди афғонистонлик мухбирлар.

**"The Hindu" газетаси (Ҳиндистон)** мухбир Ҳайдар Суханининг Шаҳрисабздан махсус репортажини чоп этди. Журналист мақом анжумани учун нега айнан Шаҳрисабз танланганини изоҳлар экан, соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган ушбу шаҳар асрлар мобайнида қанчадан-қанча воқеалар ва босқинларга қарамай тикланиб, янада гўзаллашиб борганига урғу беради. Мақом санъати ҳам худди шундай йўлни босиб ўтди, асрлар мобайнида такомиллашиб келаётир.

"Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мақомга давлат даражасида эътибор берила бошлангани барча санъат шайдолари учун хушхабар бўлди. Энди ҳар икки йилда "яшил шаҳар" деб ном олган Шаҳрисабзда халқаро анжуман ўтказилади. Бундай кенг миқёсли тадбир мақом санъатига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш, уни янада ривожлантириш ва оммалаштириш имконини беради", деб ёзади Ҳайдар Сухани.

Эронлик шарҳловчи Азим Реза Деҳқаншод **"Asia" газетаси** учун тайёрлаган мақоласида билдиришича, Шаҳрисабз анжумани Ўзбекистоннинг довруғини дунёга янада кенг таратади.

➡ 4

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон туманидаги "Форус капитал инвест" масъулияти чекланган жамиятида умумий қиймати 22,347 миллиард сўмлик гипсокартон ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада бу ерда 80 та иш ўрни яратилди.

● **Андижон давлат университетида "Товарлар кимёсининг муаммолари ва истиқболлари" мавзуига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этди.**

● Термиз туманидаги Ғафур Ғулом номли фермер хўжалиги икки гектар ерда аччиқ қалампир етиштириб, мўл ҳосил олди. Туманнинг йигирма учта фермер хўжалигида маҳаллий "Марғилон" ва хорижнинг "Каян" навли қалампирлари парваришланмоқда.

● **Когон туманида умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 3,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Деҳмирзаён ва унинг атрофидаги қишлоқлар ўқувчилари янги ўқув йилини 216 ўринли ушбу замонавий билим масканида бошлади.**

● Россия Федерациясининг "Северный ветер" авиакомпанияси Москва — Урганч — Москва йўналиши бўйича мунтазам қатновларни йўлга қўйди. Илгари Урганчга Москванинг фақат Домодедово аэропортидан учиб келиш мумкин эди. Энди Шереметьево аэропортидан ҳам ҳафтада бир марта парвоз амалга ошириладиган бўлди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Мактабларда ўқитиш жараёни халқаро стандартлар даражасига чиқади

*Куни кеча юртимизда янги ўқув йили бошланди. Бу галги илк сабоқлар тизимда туб бурилишлар содир бўлаётган пайтга тўғри келгани билан ўқувчилар, устоз-мураббийлар ҳаётидан мустаҳкам жой эгаллади. Гап шундаки, бошқа соҳаларда бўлганидек, мактаб таълимини ислоҳ қилиш, шакл ва мазмунини ўзгартириш, таълим даргоҳлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, моддий таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Хусусан, Президентимиз томонидан ўқитувчи ва мураббийлар ойлик маошини ошириш, уларга имтиёз бериш, керак бўлса, уй-жой билан таъминлаш, ҳатто, автомашина олиши учун паст фоизда кредит ажратишгача бўлган қулайликлар яратилаётир. Бундан кўзланган асосий мақсад соҳа ходимларининг жамиятдаги мавқеини тиклаш орқали бу олижаноб касбга ҳавас уйғотиш, миллий таълим тизимини ривожланган давлатлардагидан кам бўлмаган даражага олиб чиқишдан иборатдир. Зеро, ўтган йиллар давомида тизимда кўплаб муаммолар йиғилиб қолган бўлиб, уларни зудлик билан ҳал этишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

➡ 2

Қарор ва ижро

# Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети очилди

*Янги олий таълим муассасасининг бакалавр босқичи учун 8 йўналишда 101 нафар, магистратура босқичи учун 9 йўналишда 31 нафар, сиртқи бўлимга 50 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.*

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги қарорига асосан, журналистика соҳаси учун алоҳида университет ташкил этилиши шу касбга қизиққан ёшларнинг чексиз қувончига сабаб бўлди. Негаки, улар учун эндиликда ўзига хос ижодий муҳит майдони вужудга келди.

Бу ерда ўзгача услуб билан барпо этилган кутубхона 500 дан ортиқ турли илмий ва бадиий китобларга эга. Олий ўқув юртида замонавий жиҳозларга эга ўқув хоналари, турли маданий-маънавий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган кинотеатр, спорт зали ҳам мавжуд.

— Ўқишга қабул қилинган талабаларимиз Ўзбекистон журналистикаси ривожига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишиб чиқишади, — деди университет ректори Шерзодхон Қудратхўжаев очилиш маросимида сўзга чиқиб.

— Мен илк бор таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотига сазовор бўлиб, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим, — дейди Аслиддин Сабриддинов. — Келгусида ушбу



юксак эътиборга муносиб бўлишга, давлатимиз раҳбари билдирган ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов иштирок этди.

**Юлдуз ЎРМОНОВА.**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ УЧУН ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ КЕРАК ЭДИ

*Кўпдан буён бир масала кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эди. Бу — давлатимиз, жамиятимиз, халқимиз келажаги ва тақдирига дахлдор — таълим тизимидаги бир-бирига чамбарчас боғланган муаммолар учбурчаги, яъни ўқитувчининг қадр-қиммати, таълимнинг сифати, интеллектуал салоҳият масаласи.*

**ДЕПУТАТ ФИКРИ**

Чиндан ҳам, шу уч нарса тараққиётни белгиловчи энг муҳим омиллардан саналади. Бироқ дастлабки икки омилсиз учинчисига эришиш қийин.

Бугун мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Ушбу ҳужжат халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унга кўра, соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулияти янада оширилди. Энди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар халқ таълими бошқарма ҳамда бўлимлари, шунингдек, вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилот ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод қилиш масаласи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилмасдан халқ таълими вазири томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Шу билан бирга, халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, мавжуд муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Фармонга биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб туманлар ҳамда шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг тузилади ва кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай рейтинг якунлари оммавий ахборот воситалари ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг веб-сайтида жойлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, муассасаларда



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчиларнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратини оширишга, умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради.

2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши эса ўқувчиларнинг ота-оналарига таълим муассасасига бормасдан, муассаса раҳбарларига бевосита учрашмасдан, муассаса тўғрисида шаффоф маълумот олишида, ортиқча бюрократик тўсиқларсиз фарзандини умумтаълим масканларига жойлаштиришига шароит яратади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони билан умумтаълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг касбий фаолиятига асоссиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш мақсадида бу муассасалар фаолиятини текширишга ваколатли органларнинг қатъий рўйхати, текширув тайинлаш ва ўтказиш мезонлари ҳамда ҳуқуқий асослари қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Бунда умумтаълим муассасалари фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш даврийлиги уларнинг рейтингда эгаллаб турган ўрнига боғлиқ бўлиши белгилаб қўйилмоқда.

Албатта, бу ўзгаришлар халқ таълими тизимида жиддий янгиланишларга асос бўлади.

Шу боис ҳам аъзолари сонининг 24 фоизини таълим соҳаси вакиллари ташкил этувчи Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва унинг электорати ҳамда депутатлик корпуси келажагимиз эгалари тақдири учун долзарб аҳамиятга эга бўлган мазкур Фармонни тўла қўллаб-қувватлайди. Зеро, биз замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли, профессионал тайёргарликка эга, юртимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини принципиал, ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб биламиз.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.**

## ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

### 300 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди

*Андижон шаҳрида 15 миллиард сўмлик лойиҳа асосида ташкил этилган “Dinar Textile” масъулияти чекланган жамияти 300 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади.*

— Янги корхонада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди Дилфузахон Аҳмедова. — Айни пайтда тайёр матони дазмоллаш, бичиш ва тикиш ишлари амалга оширилаяпти.

Қўлигул чеварлар томонидан тайёрланган кийим-кечакларга ҳозирдан Қирғизистон, Қозоғистон ва Россия давлатларидан буюртмалар тушмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўқув муассасалари учун кўркам бинолар

*Ромитан туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилини замонавий бинода бошладилар.*

— 630 ўқувчига мўлжалланган билим даргоҳимизда барча қулайлик мавжуд, — дейди мактаб директори Нигора Музаффарова. — Бу эътиборга фаол меҳнатимиз билан муносиб жавоб берамиз.

Тумандаги 22-мактаб ўқув биноси ҳам 2,8 миллиард сўм эвазига таъмирдан чиқарилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Оилавий меҳмонхоналар кўпаймоқда

*Жорий йилнинг 6 ойи давомида Самарқандга 115 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Айни вақтда вилоятда фаолият юритаётган 100 дан зиёд меҳмонхоналар эса бир вақтнинг ўзида 4 минг кишини қабул қилиши мумкин.*

Буни ҳисобга олиб, 2019 йил охирига қадар Самарқанд шаҳрида яна 45 та меҳмонхона қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, Имом Бухорий мажмуасида ҳам 30 га яқин меҳмонхоналар бунёд этилиши, оилавий меҳмонхоналарни кўпайтириш режалаштирилган. Бундай масканларда сайёҳлар миллий урф-одатларимиз билан танишиш имконига эга бўлади.

Банклар томонидан оилавий меҳмонхоналар учун энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача миқдорда беш йил муддатга, шу жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан кредитлар тавсия қилинмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мактабларда ўқитиш жараёни халқаро стандартлар даражасига чиқади

1 ➡

— Юртимизда 9 минг 628 та мактабнинг 5 минг 776 таси капитал таъмирга муҳтож.

— 2 минг 695 тасида компьютер синфлари йўқ, мавжудларининг 63 фоизида компьютерлар маънавий эскирган.

— Жами мактабларнинг 93 фоизи интернетга уланмаган.

Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида давлатимиз раҳбари “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Халқ таълими тизимига янги бошқарув принципларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Уларни, лўнда қилиб, таълимни ривожлантириш йўлидаги тарихий ҳужжатлар, дея таърифлаш мумкин.




Фармон билан Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг раҳбарларига бир қатор ваколатлар берилмоқда:

— Давлат бюджетидан ажратилган маблағ доирасида умумий ўрта таълим молиялаштирилади;

— Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарларини тайинлайди;

— вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади;

— вазирлик марказий аппарати таркибида вазирнинг Назорат-ҳуқуқий хизмати иш бошлайди.

— Бундай ваколатларнинг берилиши таълим тизимини юксалтириш, таъбир жоиз бўлса, уни халқаро стандартлар даражасига кўтариш имконини беради, — дейди халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. — Шуларга мос равишда қатор янгиликлар жорий этилади. Хусусан, онлайн қабул қилиш тизими татбиқ қилинади. Булар кўпи билан бир-икки йилда ўз самарасини бера бошлайди.




Ҳужжатга биноан, таълим даргоҳлари рейтингини баҳолаш тизими ҳам йўлга қўйилади. Бу тизим 2019 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мунтазам ҳолда туман ва шаҳарлар кесимида тузилади, рейтинг кўрсаткичлари эса Инспекция веб-сайтида доимий равишда эълон қилиб борилади.

Шунингдек, 2019 йил 1 январдан нафақадаги ишлаётган ўқитувчиларга пенсия пули тўлиқ тўланади, 1 мартдан давлат умумтаълим муассасаларига болаларни <u>Давлат хизматлари марказлари</u> ёки <u>Ягона интерактив давлат хизматлари портали</u> орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

Маҳаллий ҳокимликлар халқ таълими муассасалари, улар инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишга масъул этиб белгиланмоқда. Яъни мактаблар қуриш, таъмирлаш, моддий-техника базасини ривожлантириш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, коммунал хизмат тизимлари барқарор ишлашини таъминлашдан тортиб, ўқитувчиларнинг мавқеини кўтариш, мактаблар ҳудудининг ва кўчмас мулки бутунлигини ҳамда дахлсизлигига эришиш, инвестиция жалб қилиш ҳам ҳокимликлар зиммасида бўлади.

Шу йил 1 октябрдан умумтаълим муассасалари васийлик кенгашлари бекор қилиниб, унинг ўрнига мактаб фаолиятига ҳисса қўшишга қодир фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлар ва бошқа шахслардан таркиб топган кузатув кенгашлари ташкил қилинади.

Мазкур ҳужжатда таълим муассасалари аҳолига пулли хизматларни кўрсатиши ва қўшимча даромадларини кўпайтиришига ҳам алоҳида урғу берилган. Шу мақсадда 2018 йил 1 октябрдан қуйидаги тартиб жорий қилинмоқда:

— халқ таълими муассасалари кўчмас мулкини ижарага беришдан тушган маблағнинг 99 фоизи мактабда қолади;

— халқ таълими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлардан фақат моддий-техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланиш талаби бекор қилинди;

— жамғарма даромади умумий миқдоридан 10 фоизини ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш ваколати мактаб директорига берилди.

Айтиш керакки, 2019 йил 1 январга қадар умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш, мебеллар, замонавий ўқув ҳамда лаборатория ускуналари, китоблар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ҳамда мультимедиа техникаси, видеокузатув тизими билан жиҳозлашни назарда тутувчи “Замонавий мактаб” Давлат дастури ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, “Халқ таълими соҳасидаги қурилиш объектларининг лойиҳа ҳужжатлари бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси ҳамда халқ таълими соҳасида ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилади.

— Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, 2019 йил 1 январдан Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси тузилади ва уни шакллантириш манбалари белгилаб берилди, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари Атабек Назиров. — Жорий йил 1 ноябрдан Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилади. Албатта, буларнинг барчаси тизимни ривожлантириш орқали ёшларга сифатли таълим-тарбия беришда муҳим аҳамиятга эга.

Боқимандалик кайфиятидан қутулиб, янгича иш услубларини жорий қиладиган, мактабни иқтисодиёт талаби бўйича бошқарадиган раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, 2018/2019 ўқув йилларидан бошлаб А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида менежерлик курслари очилади. Жорий йил 1 ноябрдан эса Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасалари қошидаги ҳудудий марказлар Халқ таълими вазирлигига берилади.




Шунингдек, вазирлик, ҳудудий бошқарма ва бўлимлари таркибидаги ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш секторлари тугатилади. Унинг ўрнига Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ҳудудий марказлар таркибида методик хизмат бўлимлари ва умумтаълим муассасаларини методик таъминлаш туманлараро марказлари фаолияти йўлга қўйилади.

Халқ таълими тизимида давлат-хусусий шериклиги кенг йўлга қўйилади.

Қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

Тизимдаги ислоҳотлар жараёнида матбуот ва ОАВ ҳам фаол қатнашади.

Жамиятда ўқитувчининг нуфузини кенг кўламда тарғиб этиш, уларнинг ютуқларидан оммани хабардор қилиш, таълим соҳасидаги долзарб масалаларни ёритиш бўйича махсус телевизион ўқув дастурлари намойиш этилади.

Умуман, мазкур Фармон ва қарор қамрови ҳамда аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда салмоқли бўлиб, мамлакат таълим тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бераётганлиги билан аҳамиятлидир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.**

# ННТ ривожига нималар тўсқинлик қиляпти?

1 ➡

Мазкур ҳужжат билан тузилган Маслаҳат кенгашининг олдига катта вазифалар қўйилди. Аввало, бу майдон соҳадаги бўшлиқларни аниқлаш, мавжуд муаммоларнинг самарали, амалий ечимларини топиш, давлат ва жамият ўртасида қоғозда эмас, ҳақиқий ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қиладиган таклифлар, ташаббусларни ишлаб чиқадиган майдон бўлиши керак. Бундан ташқари, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида тизимли мулоқотини йўлга қўйишимиз талаб этилмоқда. Ўрта ҳамда узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш устида биргаликда иш олиб борамиз. Дастлабки мажлисимизда мазкур фаолиятга оид бир неча режалар тасдиқланди, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан соҳадаги ҳолат таҳлилига оид бир неча амалий таклифлар ўртага ташланди. Аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишни янада жонлантириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга оид амалий ташаббуслар билдирилди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотининг вакили сифатида айтишим мумкинки, биз давлатдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимида фаол иштирок этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори Диловар Қобулова. — Аммо бугунги кунда кўпгина давлат органлари ННТ билан ижтимоий шериклик муносабатларида етарли тажрибага эга эмас. Аслида, бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам жуда самарали ва фойдали. Айрим нодавлат ташкилот масъуллари ўз ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини билмайди. Шу ва шунга ўхшаган муаммоларни бартараф этиш учун ННТда фаолият юритаётган кадрларнинг малакасини ошириш, махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, фуқаролик секторини ривожлантириш бўйича ўз таклифларимни бердим. Фармон асосида йўлга қўйилаётган ишлар Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, ННТ ва бизнес тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараённинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиб, миллий қадриятларимизга уйғунлаштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**Мунисхон КАРИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Илғор ташаббус ва лойиҳалар қўллаб-қувватланди

*Урганч шаҳрида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши, Адлия вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Замонавий демократик ислоҳотлар жараёнида ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари” мавзуида туркум тадбирлар ўтказилди.*

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Депутатлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда вилоятдаги ННТ вакиллари иштирок этган анжуманда Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор вазифалар, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро шериклик муносабатларини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Ўз навбатида, вилоятда фаолият кўрсатаётган ННТ вакиллари билан мулоқотда бўлдик, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларидаги доимий ҳамда ижтимоий шериклик комиссияларига услубий ёрдам кўрсатилди, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги долзарб муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш, келгусида Жамоат фондининг грант маблағларини қандай лойиҳаларга йўналтириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида Урганч шаҳрида “Дўстлик ва ННТ уйи”нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур бинода эндиликда Хоразм вилоятидаги 5 та миллий маданий марказ ҳамда 20 та нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатади.

— Шу пайтгача вилоятдаги миллий маданий марказлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксарияти ижарага олинган хоналарда фаолият кўрсатиб келарди, — дейди вилоят корейс миллий маданий маркази раҳбари Антонина Ким. — “Дўстлик ва ННТ уйи”нинг фойдаланишга топширилиши уларнинг бир жойда самарали ишлаши, ўзаро тажриба алмашиши ҳамда ҳамкорлик қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратади. Эътиборли жиҳати, янги бинода семинар-тренинглар, конференциялар ўтказиш учун зарур техника воситалари билан жиҳозланган 150 ўринли зал ва бошқа инновацион имкониятлар мавжуд. Бундай эътибор ҳамда ғамхўрлик учун миллий маданий марказ, воҳада истиқомат қилаётган корейс диаспораси вакиллари номидан самимий миннатдорлик билдирамиз.

Шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг давлат грантлари танловида ғолиб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ННТга сертификатлар топширилди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо бўлган 10 та ННТга аъзолик сертификатлари, Ассоциациянинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлимига замонавий компьютер жамламаси тақдим этилди. Энг фаол миллий маданий марказ эса халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг совғаси — компьютер жамламасига эга бўлди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат гранти маблағлари билан қўллаб-қувватлаб келинаётгани улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Хоразм вилояти бўлими раиси Саида Қурбонова. — Ташкилотимиз томонидан тақдим қилинган “Ҳар бир оила — тадбиркор” лойиҳаси ҳам танловда ғолиб, деб топилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағи Қўшкўпир туманининг энг чекка Ғазовот ва Янгилик қишлоқларида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ишлатилади.

Тадбир дастури доирасида Парламент комиссияси, маҳаллий Кенгашларнинг ННТ масалалари бўйича доимий комиссиялари, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг қўшма йиғилиши ўтказилди. “Учинчи сектор”ни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва жойида бартараф этиш бўйича тадбир ташкилотчилари томонидан сайёр қабул уюштирилди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Улкан ва мураккаб мажмуадаги янги ютуқлар

UZ-POTASH



*120 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Деҳқонобод тумани кейинги йилларда чин маънода бунёдкорлик майдонига айланди. “Аср мўъжизаси” номини олган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг ушбу ҳудуддан ўтгани замин бойликларини ўзлаштириш, қурилиш индустрияси ва ишлаб чиқаришнинг энг замонавий технологияларини олиб келишга кенг имконият яратди.*

## ИНТИЛИШ

Марказий Осиёда ягона бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи барпо этилгани бунга яққол мисолдир. Натижада мамлакатимизда калий ўғитига бўлган талаб тўлиқ қондирилиши билан бирга, маҳсулот ҳам экспорт қилина бошланди.

Дарҳақиқат, ушбу улкан ва мураккаб мажмуа жаҳон амалиётида ҳали кузатилмаган жуда қисқа даврда бунёд этилди. Яъни мураккаб геологик ер ости қатламларини кесиб ўтувчи тоғ-кон мажмуаси атиги 2,5 йилда тўлиқ қурилиб, ишга туширилди. Мажмуада ер ости қазиш ишларининг деярли 90 фоизи узлуксиз кон технологияси асосида, замонавий махсус механизмлар ёрдамида маҳаллий кадрлар томонидан бажарилмоқда.

Тўғри, корхона иш бошлаган дастлабки йилларда бир қатор иқтисодий муаммолар ҳам пайдо бўлган эди. Сўнгги пайтда соҳада амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар туфайли улар ўз ечимини топиб, мазкур саноат объектида улкан ўзгаришлар юз берди: ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошиб, экспорт географияси кенгайди. Шубҳасиз, бу маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, бозор механизмини ўрганиб, янги ҳамкорлар излаб топиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

2018 йилнинг биринчи ярмида 147,9 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқарилиб, шартнома мажбурияти ортиғи билан уддаланди. Энергия ресурсларини иқтисод қилиш, хом ашё материалларини оптималлаштириш ва бошқа қўшимча харажатларни қисқартириш ҳисобига эса маҳсулот таннархини 16,72 млрд. сўмга пасайтиришга эришилди. Энг муҳими, 116,03 минг тонна харидоргир маҳсулот Индонезия, Ироқ, Литва, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Туркия, Вьетнам, Украина, Филиппин, Малайзия, Россия, Таиланд, Шри-Ланка каби давлатларга экспорт қилинди. Бундан ташқари, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида умумий қиймати 580,4 млн. сўмлик 219 тонна крахмал ишлаб чиқарилган бўлса, 0,62 млн. АҚШ доллари миқдорида четдан келтириладиган материаллар импортини қисқартиришга эришилди. Буларнинг барчаси бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда қўл келяпти.

— Мазкур заводда, биринчи навбатда, кам таъминланган оилалар фарзандларини ишга жойлаштиришга эътибор берилгани таҳсинга лойиқ, — дейди “Бешбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Нурбоев. — Бу эса одамларнинг кўнглини кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Қолаверса, завод қурилиши муносабати билан йўлларимиз текис ва равон бўлди, қишлоқларимизга қўшимча табиий газ, ичимлик суви тармоқлари олиб келинди. Байрамлар арафасида хайрия тадбирлари ташкил этиш, одамларга моддий ёрдам бериш эса эзгу анъанага айланган.



Мана, куни кеча Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами кенг тантана қилиниб, 20 та эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. 12 ўринга мўлжалланган соғломлаштириш маскани ташкил этилди. Балиқ етиштиришга мўлжалланган 10 мингта ҳовуз қурилиб, фойдаланишга топширилди. Завод қошида фаолият юритаётган тикувчилик цехида эса қўшимча иш ўринлари яратилиб, кам таъминланган оила вакилаларидан 3 нафари ишга жойлаштирилди. Шу тариқа жорий йилда мазкур тоифадаги 54 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш керакки, кейинги вақтда корхонада меҳнат қилаётганларнинг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашиш, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Қорашина шаҳарчасидаги Деҳқонобод агросаноат ҳамда Тоғайтемир қишлоғидаги Деҳқонобод саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 26 та иш ўрни очилиб, шунча ёш тўрт томонлама шартнома асосида ўз иш жойига эга бўлди.

Мустақиллик иншоотларидан бири бўлган ушбу мажмуа Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишга, иқтисодиётимиз равнақига, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ADB

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ПОВТОРНЫХ ТОРГАХ

Дата — **8 сентября 2018 года.**

Номер займа и наименование — **3025/3026-UZB. Проект «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы».**

Номер контракта и наименование — **ABISRP/01. «Строительство новой насосной станции Аму-Бухара-1».**

Последний срок подачи предложений — **15.00 ташкентского времени 25 октября 2018 года.**

**1.** Республика Узбекистан получила заем от Азиатского банка развития (АБР) на финансирование **проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы»**. Часть данного займа будет использована для осуществления платежей по вышеуказанному контракту. Тендер открыт для участников торгов из правомочных стран АБР.

**2. Министерство водного хозяйства Республики Узбекистан** (заказчик) приглашает правомочных участников торгов представить запечатанные конкурсные предложения для строительства и завершения следующих работ:

**«Строительство новой насосной станции Аму-Бухара-1»**

**Контракт включает в себя следующие основные виды работ, которые должны быть выполнены в течение 48 месяцев:**
- строительство аванкамеры длиной 39 м для уменьшения заиления;
- строительство водоприемника с восемью отсеками;
- строительство монолитной железобетонной насосной станции, имеющей приблизительный размер 20,30 м х 15,70 м х 74,00 м (ширина, высота, длина);
- установку восьми вертикальных центробежных насосных агрегатов (один резервный), имеющих общую мощность 80 $м^3$/с, с примерной геометрической высотой подъема 48 м;
- установку системы электроснабжения 6 кВ;
- строительство ЛЭП 6 кВ протяженностью около 1 900 м для обеспечения насосной станции электричеством;
- все необходимые системы среднего и низкого напряжения;
- напорные трубопроводы для восьми насосных агрегатов каждый диаметром 2 200 мм, длиной 450 м и двух напорных трубопроводов каждый диаметром 4 100 мм, длиной 620 м;
- строительство водовыпускного сооружения из монолитного железобетона, имеющего приблизительные размеры 16,50 х 11,00 х66,00 м (ширина, высота, длина);
- строительство необходимого дренажа технической воды и всех других необходимых подсистем;
- строительство водовыпускного канала протяженностью 500 м, шириной по дну 8 м, откосом 2 и глубиной 6,05 м с мостом на нем;
- строительство автомобильного моста;
- выполнение земляных работ по строительству аванкамеры, насосной станции и водовыпускных каналов.

**3.** Международные конкурсные торги будут проведены согласно одноэтапной двухконвертной тендерной процедуре АБР и открыты для участников из правомочных стран, как указано в тендерной документации.

**4.** Только опытные и правомочные участники торгов, имеющие следующие основные квалификации, указанные в разделах 3 и 6 тендерной документации, могут участвовать в данных конкурсных торгах. Участники торгов обязаны строго следовать критериям правомочности, предусмотренным в пункте 4, разделе 1 (инструкции для участников торгов) тендерной документации. В частности, участникам торгов настоятельно рекомендуется подтвердить, что они будут соблюдать подпункт 4.3 (участник торгов не должен иметь конфликта интересов) при подаче конкурсных предложений.

**5.** Для получения дальнейшей информации и изучения тендерной документации участник торгов может обратиться в **проект «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы», Группа реализации проекта (ГРП)**.
Г-ну Касимову Гафуру Касымовичу.
Адрес: Республика Узбекистан, 100128,
г. Ташкент, ул. Лабзак, 1А.
Телефоны: (+99871) 241-73-13, 241-89-06.
Факс (+99871) 241-84-24.
Электронная почта: abisr@mail.ru

**6.** Чтобы получить тендерную документацию на английском языке, правомочный участник торгов должен:
- написать на вышеуказанный адрес, чтобы запросить тендерную документацию по **ABISRP/01. «Строительство новой насосной станции Аму-Бухара-1»**.Тендерная документация будет отправлена участникам через электронную почту.

ИЛИ

прийти в офис заказчика по вышеуказанному адресу с письменным запросом и доверенностью (если через уполномоченного представителя). Электронная копия тендерной документации будет предоставлена на компакт-диске.
- Заказчик представит только электронную копию (pdf-версию) тендерной документации. Заказчик не несет ответственности за полноту тендерной документации и дополнений к ней, если они не получены напрямую от заказчика.

**7.** Представить конкурсное предложение по адресу:
- Г-ну Касимову Гафуру Касымовичу — менеджеру проекта. Республика Узбекистан, 100128, г.Ташкент, ул. Лабзак, 1А, офис ГРП, 2-й этаж, конференц-зал;
- срок подачи предложений — 15.00 ташкентского времени 25 октября 2018 года, вместе с гарантией конкурсного предложения, как указано в тендерной документации;
- электронные предложения не принимаются.

Предложения, представленные с опозданием, будут отклонены.

Технические предложения будут вскрыты сразу в присутствии представителей участников торгов, пожелавших принять участие на заседании, тогда как финансовые предложения будут оставаться запечатанными и невскрытыми в закрытом месте. Финансовые предложения только тех участников, которые прошли техническую оценку, должны быть вскрыты после оценки технических предложений, тогда как финансовые предложения тех участников, которые не прошли техническую оценку, будут возвращены невскрытыми после присуждения контракта.

**8.** Заказчик не несет ответственности за какие-либо затраты или расходы, связанные с подготовкой и доставкой конкурсных предложений участниками торгов.

724-1R/356

---

ADB

## INVITATION FOR BIDS — REBIDDING

Date: **8 September 2018**

Loan No. and Title:**3025/3026-UZB: Amu Bukhara Irrigation System Rehabilitation Project**

Contract No. and Title: **ABISRP/01: Construction of Amu Bukhara 1 NEW Pump Station**

Deadline for Submission ofBids: **25 October 2018, 15.00 p.m. (Tashkent time)**

**1.** The Republic of Uzbekistan has received financing from the Asian Development Bank («ADB») toward the cost of **Amu Bukhara Irrigation System Rehabilitation Project**. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to bidders from eligible source countries of ADB.

**2.** The **Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan** («the Employer») invites sealed Bids from eligible Bidders for the construction and completion of the following works:

**Construction of Amu Bukhara 1 NEW Pump Station**

**The Contract involves the following major items of works to be serviced and works to be executed over a period of 48 months:**
- Construction of fore bay having length of 39 m to reduce siltation;
- Construction of intake structure with 8 ducts;
- Pump station in-situ reinforced concrete having dimensions of approximate 20.30 m x 15.70 m x 74.00 m (width, height, length);
- Eight Vertical Centrifugal Pumps (1 standby) having total capacity of 80 m3/s with approximate 48 m geodetic pump head;
- 6 kV power supply system;
- Construction of energy power line having 6 kV, a length of about 1 900 m, to supply energy to the pump station;
- All necessary MV and LV systems;
- Discharge pipelines for 8 pump units with a diameter 2200 mm each 450 m long and two discharge pipelines with a diameter 4100 mm each 620 m long;
- Outlet structure in-situ reinforced concrete having dimensions of approximate 16.50 m x 11.00 m x 66.00 m (width, height, length);
- All necessary drainage technical water and all other necessary subsystems;
- Discharge canal having 500 m length and cross section bottom width w=8.00 m, side slope m=2.0 and depth h=6.05 m with bridge on it;
- Construction of an automobile bridge; and
- Earthworks for construction of intake canal, pump station and discharge canal.

**3. International competitive bidding** will be conducted in accordance with ADB's Single- Stage: Two-Envelope bidding procedure and it is open to all Bidders from eligible countries as described in the Bidding document.

**4.** Only experienced and eligible bidders with the key qualifications indicated in Section 3 and 6 of the Bidding Documents should participate in this bidding. Bidders are required to strictly follow eligibility criteria stipulated in Clause 4 in Section 1 (Instructions to Bidders) of the bidding documents. Particularly, bidders are strongly recommended to confirm if they are compliant with Sub-clause 4.3 when submitting bids.

**5.** To obtain further information and inspect the bidding documents, bidder should contact:
**Amu Bukhara Irrigation System Rehabilitation Project Project Implementation Unit (PIU)**
Attention: Mr.Gafur Kasimov Address: Labzakstreet, Bld. 1 a
City: Tashkent city
ZIP Code: 100128
Country: Republic of Uzbekistan
Telephone: +998-71-241-73-13, +998-71-241-89-06
Facsimile number: +998-71-241-84-24
Electronic mail address: abisr@mail.ru

**6.** To receive the bidding documents in English, eligible bidders should:
- Request in writing to the address above requesting the bidding documents for **«ABISRP/01: Construction of Amu Bukhara 1 NEW Pump Station»**. The bidding documents will be sent to the Bidder by email.

OR

Visit the Employer's office at the address above with a written application and a letter of attorney (if through an authorized representative). An electronic copy of the Bidding Document will be provided in a CD format.
- The Employer will provide only soft copy (pdf version) of the bidding documents. The Employer is not responsible for the completeness of the Bidding Document and its addenda, if they are not obtained directly from the Employer.

**7.** Deliver your bid:
- To the address below:
  Attention: Mr.Gafur Kasimov
  Project Manager of Project Implementation Unit
  Street address: Labzak street Building: 1 a, PIU's office
  Floor/Room number: 2nd floor, Conference Room
  City: Tashkent city
  ZIP Code: 100128
  Country: Republic of Uzbekistan
- **on or before the deadline: 25 October 2018; 15.00 p.m. (Tashkent time)**;
- together with Bid Security as described in the Bidding Document.
- Electronic submission of bid is not permitted.

Late bids shall be rejected.

Technical bids will be opened immediately in the presence of Bidders' representatives who choose to attend, whereas the Financial Bids shall remain sealed and unopened and shall be placed locked. The Financial Bids of only Technically Responsive and Qualified Bidders shall be opened after Technical Bid Evaluation, whereas, the Financial Bids of those Bidders whose Technical Bids are not responsive and qualified shall be returned unopened after the contract is awarded.

**8.** The Employer will not be responsible for any costs or expenses incurred by the Bidders in connection with the preparation and delivery of Bids.

724-2R/356

# “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак”

➡1



Илмий-амалий конференцияда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Ироқ, Тунис, Миср, Туркия, Афғонистон, Бангладеш, Озарбайжон, Германия, Венгрия, АҚШ, Франция, Италия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлардан таниқли мақомшунос ва мусиқашунос олимлар ўз маърузалари билан иштирок этмоқда. Тадбир шуъбаларда давом эттирилмоқда. Унинг якунида махсус Декларация қабул қилиниши кўзда тутилган.

Тадбирлар доирасида Мақом музейининг очилиш маросими ҳам ўтказилди. Ўзбек мақом санъати мумтоз ва замонавий ижро намуналарининг фондини яратиш ҳамда музей ашёлари ва коллекцияларини илмий тадқиқ қилиш ишларини кучайтириш, унинг натижаларини эълон қилиб бориш Оқсарой майдонида жойлашган мазкур музей фаолиятининг асосий вазифалари сирасига киради.



Кеча “Мақом санъати” Халқаро форуми мусиқа ижрочиларининг кўрик-танловида АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Ироқ, Исроил, Миср, Покистон, Туркия, Тожикистон каби давлатлардан келган яккахон ижрочилар ҳамда ансамбллар вакиллари ўз дастурларини намойиш этди.



Шунингдек, Халқаро пресс-клубнинг ушбу нуфузли анжуманга бағишланган махсус сессияси ҳам ташкил этилди. Унда қатнашган хорижлик меҳмонлар, маҳаллий ва чет элдан келган оммавий ахборот воситалари ходимлари Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросими, Президентимиз нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритишди.

Халқаро пресс-клуб ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

*Давлатимиз раҳбарининг Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқида таъкидланган фикрлар жаҳоннинг 73 мамлакатидан келган созанда ва хонандалар, бастакорлар, оммавий ахборот воситалари вакилларини тўлқинлантириб юборди, десак, асло муболаға эмас. Зеро, дилларни дилларга туташтириш, элларни элларга таништириш, улар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда санъатнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир иштирокчи ушбу анжуманни катта қизиқиш билан кузатмоқда, унинг мақсад ва муддаолари, ижтимоий-сиёсий аҳамияти хусусида фикр билдирмоқда.*

*“Халқимиз бадиий тафаккурининг маҳсули бўлган “Шашмақом”, яъни, олти мақомни, таъбир жоиз бўлса, олти азим дарёга қиёслаш мумкин. Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига қуйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўйлайман”.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Сўз — Халқаро анжуман иштирокчиларига



**Арстанбек МУҲАММЕД ўғли,
Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири:**

— Аввало, мазкур анжуманга таклиф этилганимдан бениҳоя хурсандман. Унинг очилиш маросимида қатнашиб, бетакрор санъатдан баҳраманд бўлдик, завқу шавқ туйдик. Жозибадор қўшиқлар, мафтункор рақслар, қадим Оқсаройнинг тунги латофатидан яйрадик.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида биз, хорижлик меҳмонларни алоҳида таъкидлаб, эҳтиром кўрсатгани учун бошим осмонга етди. Дўст ва ҳамкор ўзбек халқининг бошқа миллатларга ибрат қилиб кўрсатгулик бундай тантаналари кўпаяверсин.



**Шамсиддин ЎРУМБЕКЗОДА,
Тожикистон Республикаси маданият вазири:**

— Шавкат Миромонович тинчликни, дўстона алоқаларни қадрлашини бутун дунёга кўрсатди. Нафақат кўрсатди, балки ўзининг саъй-ҳаракатлари, азму шижоати, қатъий иродаси туфайли бундай юксак муносабатларни тиклаш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжуманига асос солиниши ҳамда унда Президентингизнинг сўзларини эшитиб, яна бир карра амин бўлдимки, Шавкат Мирзиёев санъат ва маданиятни ҳам ниҳоятда қадрлар экан. Қалбида адабиёт ва санъатга бўлган беқиёс меҳр туфайли у киши мана шу каби улуғвор ишларга бош-қош бўлмоқда. Дунёнинг 73 давлатидан шунча иштирокчиларни чорлаб, яна уларга “Хуш келибсиз, раҳмат” дея эҳтиром кўрсатиши инсонийлик ва ўзбекона меҳмондўстликнинг яққол намунасидир. Биз бунга ҳавас билан қараймиз.



**Абульфас ГАРАЕВ,
Озарбайжон Республикаси маданият вазири:**

— Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида иштирок этиб, жуда ҳаяжонландим. Шавкат Мирзиёевнинг биз каби меҳмонларга бирма-бир мурожаат қилиб, эъзозлашидан қанчалик қувонган бўлсам, афсонавий Оқсарой майдонидаги театрлаштирилган тантанани томоша қилиб, шунчалик завқ олдим.

Президент ўз нутқида “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак”, дея алоҳида таъкидлади. Бу жуда тўғри фикр. Чунки ҳар бир миллатнинг ноёб миллий мусиқий дурдоналари бор. Уни чуқур ўрганиш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, ёш авлодга ўргатиш муҳим ва бу орқали эзгу мақсадларга эришиш мумкин.

Оқсаройда ҳар бир оҳанг, овоз ўзгача жаранглар эканки, очиғи, мен ўзбекларнинг санъатни бунчалик севиши, қадрлаши, қўшиқни берилиб тинглашини кўриб, лол қолдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам шундай фестиваль бор. Ўйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштириладиган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



**Аҳмат Халук ДУРСУН,
Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Мусиқа санъати инсонни ҳамиша эзгуликка чорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч. Турли миллат, тил ва эътиқодга мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлайдиган, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мусиқа санъати каби қудратли воситани топишнинг ўзи қийин. Бунинг исботи Халқаро мақом санъати анжумани мисолида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюрган меҳмонларга миннатдорлик билдириб: “Уларнинг юртларида ҳам мана шундай санъат байрамлари кўп бўлсин ва уларда қатнашиш бизга ҳам насиб этсин” дейиши ибратлидир.



**Читича Мабел РУДО,
ЮНЕСКОнинг Зимбабведаги вакили:**

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бу заминга қадам қўйишимиз ҳамоно бетакрор ҳис-туйғулар оғушида қолдим. Одамларнинг меҳмондўстлиги, самимиятига ҳавас қилдим. Болаликдан Шарқ халқларининг мумтоз санъатига қизиқаман. Шу боис фестивалда иштирок этишга қарор қилдим. Тадбирнинг очилиш маросимида Президентингизнинг нутқини мароқ билан эшитдим. Шавкат Мирзиёевнинг, айниқса, “Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган мақом санъатимиз ҳамиша гуллаб-яшнасин!” деган сўзлари ноёб мусиқий меросни асраб-авайлашга даъват этади. Элларни куй бирлаштиради, деганлари рост. Буни мақом мисолида ҳис қилмоқдаман. Ундаги ҳар бир ашула ва мусиқада кишига руҳий қувват берувчи куч мужассам. Гарчи сўзларининг маъносини тушунмасанг-да, куйдаги ноёб оҳанг қалбни ларзага солади. Тинглаш мобайнида кайфиятингда баъзан ҳазинлик, гоҳо жўшқинлик сезасан. Шунинг учун ушбу санъатни самоларга парвоз қилувчи қушга, тинчлик элчисига қиёслашар экан.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Қадим наволарнинг жаҳон миқёсидаги акс садоси

➡1

Сервис соҳасини ривожлантириш, янги меҳмонхоналар қуриш, инфратузилма, йўл-коммуникация тизимларини замон талаблари даражасига келтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида республикага туристлар оқими ортиши ҳам кутилмоқда.

“Биргина Шаҳрисабзнинг ўзида мақом анжумани муносабати билан ҳаётга татбиқ этилган чоралар бу каби тадбирларнинг нақадар катта аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Улар чет эллик меҳмонлар учун мамлакатнинг янги қирраларини кашф қилишга ёрдам беради. “Олтин учлик” бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива билан биргаликда энди Шаҳрисабз ҳам сайёҳлар диққат марказидаги нуқталардан бирига айланмоқда”, дейилади мақолада.

**Мисрнинг “Egypt Today” газетаси**да эътироф этилганидек, мумтоз куй-қўшиқлар тили, миллати, урф-одатидан қатъи назар, ҳар қандай инсоннинг руҳиятига сокинлик бахш этиб, уларни бирлаштириш кучига эгадир. Хусусан, “Мақомни эшитиш, ҳис этиш, тушуниш учун таржимон шарт эмас. Ҳис-туйғу, тасаввур ва кечинмалар диллардан-дилларга, эллардан-элларга кўчади, мусиқа ноталари сўзларга айланади, қўшиқлар эса дилларга жо бўлади. Қашқадарёдаги форум орқали эзгу орзу-умидлар тараннум этилади. Шу аснода турли халқларнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланади”.

Ўз навбатида, **“Россия 24” телеканали** тадбирга бағишланган махсус репортажни намойиш этди. Телеканалнинг Марказий Осиё бўйича мухбири Роберт Францев Шаҳрисабзда ўтаётган халқаро анжуманни “нафақат кўриш, балки эшитиш ва ҳатто кўксингизни тўлдириб мусиқадан нафас олиш”га қиёслади. “Яшил шаҳар”да ўтаётган тадбир мақомга бағишланган глобал миқёсдаги илк форумдир. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси бутун дунёда қизиқиш уйғотиб, 70 дан ортиқ давлатлар ўз вакилларини Шаҳрисабзга жўнатдилар.

“Тадбирга чет элликларнинг юқори даражадаги эътибори табиий ҳол. Чунки у ҳақиқий “шарқона эртакка шўнғиш” имконини беради, деди Р. Францев. Расмий концертлар ва конференциялар билан бирга, шаҳар кўчаларида минглаб санъаткорлар ўз маҳоратини намоён этмоқда, ҳунармандлар ўзлари ясаган маҳсулотларни кўрсатаётир, миллий кийимлар намойиши эса кўзни қувонтиради”.

**Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6